Дараклар

ИНСПЕКТОРЛАР ЯНА ИРОҚДА

МАГАТЭ — Атом энергияси бўйича халқаро агентлик инспекторлари кимёга қайтиб келишди. Улар радиоактив моддалик қуроллар, рамон қилинаётган жойлашгани гуларни жиддий текширган ва объектзадилар. АҚШ ҳарбий қўмондонлиги вакилининг билдиришича, тадқиқ этилаётган объектларга жаналистлар қўйилмайди. Етти нафар халқаро инспекторлар эса Америка мутахассислари кузатуви остида иш олиб боришади. МАГАТЭ ходимлари Ироқнинг қайси шаҳрига юборилгани аниқ эмас. Лекин шуниси маълумки, Ироқда ҳарбий ҳаракатлар бошланиши билан мамлакатни тарк этган инспекторлар текширув тарихига ҳафта якунидаёқ киришишган.

Ҳозирча Ироқнинг оммавий қирғин қуролига эга бўлгани тўғрисидаги маълумотлар тасдиқланмаяпти. Бу ҳақда БМТнинг инспекторлар гуруҳи раҳбари Ханс Бликс Хавфсизлик Кенгаши йиғинида маълум қилган.

КАМБОЖА БМТ ТАЛАБИГА РОЗИ

Ниҳоят, Камбожа ҳукумати БМТнинг "Қизил кхмерлар" ташкилоти раҳбарлари жиноий ишини кўриб чиқиш учун махсус суд ташкил этиш борасидаги талабига рози эканини билдирди. Сиёсий кели-

шув ифодаси сифатида икки томонлама битим қабул қилинди. Халқаро ҳужжат БМТ вакили Х. Корелл ва Камбожа ҳукумати аъзоси С. Ан томонидан имзоланди.

"Қизил кхмерлар" сиёсий жиноятлар, хусусан, геноцидда айбланмоқда. Уларнинг ҳокимият тепасида бўлган вақтда оммавий қирғинлар уюштиргани жиноят айблови асосини ташкил қилади. Кўпдан буён Вьентен ҳукумати БМТ талаби ижросини пайсалга солиб келаётганди. Янги қабул қилинган битим эса сиёсий маҳбуслар судида нуфузли ташкилот талаб қилаётгандек, халқаро кузатувчилар иштирок этишини назарда тутади.

ЭЛЧИХОНАЛАР ВАҚТИНЧА ЁПИЛДИ

Норвегиянинг Эфиопия пойтахти Аддис-Абебадаги элчихонаси ёпилди. Бунга сабаб сифатида рўй бериши мумкин бўлган террорчилик ҳаракати хавфи келтирилмоқда. Норвегия Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг билдиришича, сўнгги вақтда элчихона номига дўқ-пўписали мактублар ва таҳдидли телефон қўнғироқлари кўпайгандан-кўпайган. Расмий Осло эса бу ҳаракатлар ортида хавф бўлиши мумкин деб ҳисобламоқда.

Худди ана шу сабаб билан Америка Қўшма Штатлари ҳам Эфиопия пойтахтидаги ўз элчихонасини вақтинча ёпиб қўйган. Вашингтон бу қарорни террорчилик акти содир этилган вазиятда хавфсизликни сақлаш зарурияти билан изоҳлаган.

ПОЛЬШАДА РЕФЕРЕНДУМ

Польшада мамлакатнинг Европа Иттифоқига кириши масаласида умумхалқ овоз бериши бўлиб ўтди. Унда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 60 фоизи иштирок этди. Кўпчилик кутганидай, референдумда Польша халқи ЕИга қўшилишни ёқлаб овоз берди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 80 фоиздан ошиқроқ аҳоли "Европа уйи"га киришни қўллаб-қувватлаган. Шу сабаб бўлса керак, давлат раҳбари Александр Квасневский референдумни Польша тарихидаги унутилмас кун сифатида баҳолаган.

Ҳозирга қадар Венгрия, Словакия, Мальта ва Литвада ана шундай референдумлар бўлиб ўтди ва иштирокчиларнинг асосий қисми ЕИ таркибига кириш борасидаги ўз ҳукумати қарорини ёқлаб овоз берди. Эслатиб ўтамиз, Шарқий ва Марказий Европанинг 10 мамлакати умумхалқ овоз беришларидан сўнг 2004 йил 1 майда Иттифоққа расман қабул қилинади.

МАВРИТАНИЯДА ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ

Африканинг шимоли-ғарбида жойлашган Мавританияда мавжуд ҳукуматга қарши давлат тўнтариши бўлиб ўтди. Хабарларга қараганда, қуролли қўзғолончилар пойтахт Нуакшотдаги президент сарой-

игача етиб келишган. Ҳозирча мамлакат раҳбари Муовия ул-Тая қаерда экани номаълумлигича қолмоқда. Айрим манбаларда президент Нуакшотдаги Франция элчихонасига яширингани айтилмоқда. Бироқ расмий Париж бу хабарни тасдиқламаган.

Айни вақтда Мавританияда отишмалар давом этмоқда. Исёнчилар 18 йилдан буён мамлакатни бошқараётган президент ал-Тая истеъфосини талаб қилишмоқда.

ОҒЗИНИ ОЧМАГАНИ УЧУН... ЖАРИМА

Германиялик аёл 8 ёшли қизи учун 100 евро жарима тўлашга мажбур бўлди. Бунинг сабаби жуда ғайриоддий: қизча мактаб тиш шифокори хонасида оғзини очишдан бош тортган. Қизалоқнинг бу эркалиги эса онасига қимматга тушган. "Стоматолог унинг тишларини кўриб қўймоқчи бўлган, лекин бундан қўрқиб кетган қизча оғзини очишни истамаган. Шундан сўнг стоматолог уларни судга берган", — дея маълум қилган Вернигерод шаҳри суди матбуот котиби.

Маҳаллий ҳокимият қизчанинг онасига жарима солиш тўғрисида хулоса берган ва шаҳар суди бу қарорни қўллаб-қувватлаган.

Интернет хабарлари асосида
Абдул СОБИР тайёрлади

GLOBUS international life

«Эҳтиёт бўлинг! Бу ерда ўғирлик бор»

British Petroleum (BP) компанияси 2001 йилда Ангола ҳукуматига тўлаган солиқлари ҳақидаги маълумотларни матбуотда чоп этиш ниятида эканини эълон қилганда, бехосдан қийин вазиятга тушиб қолди.

Sonangol миллий нефть компанияси бу фикр хусусида мактуб орқали ўзининг жиддий эътирозини дағал сўзлар билан баён этибгина қолмай, балки яққол сезилиб турган таҳдид билан чиқдики, унинг ижроси Британия нефть компаниясининг Ғарбий Африканинг бу давлатидаги манфаатларига путур етказиши мумкин эди.

BP компанияси бу воқеани босди-босди қилишга уриниб кўрди. Тазйиқ ўтказиш гуруҳлари бу воқеани ошкоралик ҳимояси йўлидаги мисли кўрилмаган ва инқилобий ҳаракатларнинг бошланиши, деб таърифлашди, лекин ундай бўлмади. На Африка ва на бошқа ривожланаётган давлатлардаги нефть компаниялари бу йўлдан бордилар.

Одатда коррупцияга қарши қаратилган бундай ҳаракатларнинг фаоллари давлат амалдорларига бериладиган пора ва бошқа ноқонуний тўловларга қарши кураш олиб борадилар.

Энди бўлса, улар дунёнинг у ёки бу энг камбағал давлати хазинасига етиб бормаётган миллиардлаб қонуний долларларга нисбатан эътиборларини қаратишди.

Ангаланинг молиявий аҳволини ўрганиш шундай тахминга имкон берадики, сўнгги беш йил мобайнида давлат ташкилотларига нефтдан тушадиган фойданинг учдан бир қисми йўқолиб кетмоқда. Бу эса тахминан 1 миллиард доллар дегани. Лондонда жойлашган Global Witness (Халқаро гувоҳ) нодавлат ташкилоти айнан шу маблағ ҳақида гапирмоқда.

Айнан шундай даъволар Экваториал Гвинея ва Қозоғистон каби нефт ишлаб чиқарувчи икки давлатга нисбатан ҳам айтилмоқда. Бу айбловлар компаниялиятли сармоялаш масалалари бўйича менеджери, компаниянинг Британия бўлими вакили Карина Литвак. — Бундай ҳолат беқарорлик муҳитининг ривожланишига, шунингдек, кўпмиллатли компаниялар фаолиятининг қимматлашувига олиб келади".

Бир ой аввал ISIS нефть ва қазилма бойликлари ҳисобига кун кўрувчи ри-



вожланаётган мамлакатларда коррупцияни бартараф қилишга чорлайдиган ўн нафар йирик сармоядорлардан тузилган гуруҳга раҳбарлик қилмоқда.

Фаолиятида 600 миллион доллар маблағи бўлган сармоядорлар солиқ, лицензия тўловлари, битим имзолаш ва бошқа қонуний тўловлар учун мукофотлар ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш таклифи билан чиқдилар. Бу тадбир "Кон саноати тармоғидаги ошкоралик" ташаббуси доирасида ўтказилиши лозим эди.

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр бу ташаббуснинг ижодкоридир. 17 июнь куни Лондонда ушбу ташаббуснинг бош тамойиллари тақдим этилади. Ташаббус тарафдорлари унинг ҳам давлатлар, ҳам компанияларга қаратилгани, шунингдек, кузатув жараёнига Жаҳон банкини жалб этиш мўлжалланаётганини таъкидламоқдалар.

"Мамлакатлар ихтиёрий равишда компаниларга маълумотларни эълон қилиш мажбуриятини юклайдиган қонунлар қабул қилишлари керак", — дейди Литвак хоним. "Файненшл Таймс" мухбирлари нефть компаниялари, жумладан, Буюк Британиянинг BP ва Shell, шунингдек, Exxon Mobill компаниялари билан боғланиб, улар томонидан бу ташаббус қўллаб-қувватланаётгани маълум бўлди.

Шунга қарамай, молиячи-миллиардер, ва филантроп Жорж Сорос раҳбарлик қилаётган "Тўлаганингни эълон қил" ноҳукумат ташкилотлари коалицияси тарафдорлари эса бунга ишонч билдирмаяптилар.

"Агар гап айрим ҳукуматларнинг бу масалада кўнгилли равишда ёндашувлари ҳақида бораётган бўлса, улар сувдан қуруқ чиқиш пайида бўладилар, - деб ҳисоблайди Global Witness ходими, зиддиятли олмосларга қарши ўта салмоқли ташаббус раҳбари Гевин Хейман. — Бу ажойиб ғоя, лекин у амалга ошмайди".

"Тўлаганингни эълон қил" коалицияси ривожланган мамлакатлардаги фонд биржалари компаниялар учун тўловлар ошкоралигини мажбурий шартлардан бири этиб белгилашни талаб этади.

Коалиция, шунингдек, ушбу талабни яқин орада қабул қилинажак ошкоралик соҳасида мажбуриятлар ҳақидаги Директивага киритиш учун Европа Парламентини кўндириш ҳаракатини қилмоқда.

Ошкоралик ғояси тарафдорлари нефтдан келадиган бутун даромадлар жамланадиган, яқинда ташкил этилган Ироқни ривожлантириш жамғармасини қўллаб-қувватлашди. Бироқ АҚШ назоратидаги муваққат маъмурият фаолиятини тугатгач, тўловлар ошкоралигини таъминловчи қоидалар янги шартномаларга киритиладими-йўқми, деган масала ҳалигача очиқ қолмоқда.

"Агар бу ғоя Ироқда ишлаб кетса, у бошқа давлатлар учун муҳим имконият очган бўлар эди", — деб ҳисоблайди Литвак хоним.

Ангола ва Нигерия каби давлатларда коррупция, мутахассислар тили билан айтганда, "табиий заҳираларнинг шўри" бўлиб, мўл-кўл бойликлар мамлакатни ривожлантириш ўрнига қашшоқликка олиб келмоқда.

"Насроний ёрдам" ташкилоти томонидан яқинда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, иқтисоди нефть билан боғлиқ бўлган ночор мамлакатлар коррупция, қашшоқлик, уруш ва диктаторлик режимларидан кўпроқ жабр кўрмоқдалар, бу эса ўз навбатида, иқтисодий ўсишни сусайтирмоқда.

Халқаро компаниялар ўзлари истамаган ҳолда қўллаб-қувватлаётган коррупция чангалзорларини оралаб ўтишга мажбур бўлмоқдалар.

Сармоядорлар узоқ келажакда бу вазиятдан чиқиб кетишда кенг ошкоралик ягона тўғри йўл эканига ишонч билдирмоқдалар. Бироқ бугун эса вазият мураккаблигича қолмоқда.

Флориан ЖИМБЕЛ

("Файненшл Таймс" газетасининг 3 июнь сонидан қисқартириб олинди).

"Қўлёзмалар ... қўшиб, уларнинг обди. 17 июнь куни ... қилаётган ва тобоқўлёзмалар кўргазмаси ... сармоянинг намойишидан иборат. Нафа... балки кенг зиёратчилар оммасини ... бўлган бу ноёб мерос намуналари қаторига ... мий, Хусрав, Жомий, Навоий, Бобур, Ам... ижодкорларнинг ўрта асрларда машҳур ха... дан китобат қилинган асарлари киради.

Кўргазманинг аҳамиятли жиҳатларидан ... лар китобат санъати, шунингдек, ундаги ... лари билан замондошларимизни таништ... сор Ҳамид Сулаймон бошчилигида ташкил... риб борилган Давлат Адабиёт музейинин... наси чиндан ҳам бебаҳо бойликларга эга ... ма намойиши давомида амин бўлинади ... тиқ қўлёзма ва кўплаб тошбосма китоб... музей фондидан кўргазма учун танлаб ... нодир қўлёзмалар сифатида уникал м... ган. Мисол учун, Маҳмуд Замахшари... адаб" асарининг 4 тилли дунёда ягон... розийнинг "Куллиёт"и, Заҳириддин Му... баййин" асарларини келтириш мумк... кистон Президенти Ислом Каримов ... биёт музейига тақдим этилган Наво... ний" асарининг XVIII асрда кўчири... катта қизиқиш уйғотади.

Қисқаси, сиз азиз "Хуррият" ... ...кларимиздан баҳра ол... ...Навоий кўчаси, ...

Касбга садоқат

Ёрқин Маъруповнинг Республика Фтизиатерия ва пульменология илмий текшириш институтига ишга келганига яқинда 30 йил тўлади. Шунча узоқ вақт кўз очиб юмгунча ўтиб кетибди. Жўшқин фаолият қучоғида кунлар шиддат билан ўтиб кетаётганига кўп ҳам эътибор бермабди. Аслида, бунга зарурат ҳам бўлмаган, негаки ҳар дақиқа, ҳар сонияда инсон саломатлиги аталмиш бетакрор бойлик учун курашишга тўғри келган. Ахир, кимдир кўзлари жўлайиб, сенга умид билан тикилиб турса, сени дунёдаги энг азиз одамидан-да азиз деб билса, уйқусиз тунлар, ҳаловатсиз кунлар ҳақида ўйлашга фурсат бўладими?

Мазкур саломатлик маркази республикада ягона илмий муассаса бўлганидан ташвишлар ҳам, мижозлар ҳам етарли. Ана шундай салмоқли ташвишлар уммонида 25 йил 2-даволаш бўлими мудирлигида ҳам самарали тер тўкди. Шу йиллар давомида ишидан нолиган ёки танлаган соҳасидан қониқмаган пайтлари бўлмади. Аксинча, соҳанинг сир-асрорларини янада чуқур эгаллади, даволашнинг янги самарали усулларини амалиётга қўллашга интилди. Эндиликда Ёрқин акани республикамизнинг чекка-чеккаларида ҳам яхши билишади.

Барча фидойи инсонлар сингари Ё. Маъруупов ўзи ҳақида тўлиб-тошиб сўзлашни эмас, балки қисқа фурсатни ҳам қайсидир беморнинг дардига малҳам бўлишга сарфлашни ёқтиради. Биз ҳам бу мўътабар шифокор умрининг ҳар бир дақиқаси фақат эзгуликка хизмат қилишини тилаймиз.

Феруза ЖЎРАЕВА

Дунё

Ғафур Ғуломнинг 100 йиллик юбилейи ўтган ҳафтада олис Америкада ҳам кенг нишонланди. Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Америка Бухоро яҳудийлари Конгресси ташаббуси билан бир қанча юбилей тадбирлари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан адибнинг қизи, ёзувчи ва адабиётшунос Олмосхон Аҳмедова, ўғли, профессор Хондамир Ғуломов, шоирнинг невaралари қатнашишди. Америкада чоп этиладиган "The bukharian times", "Menora" ва бошқа газеталарда Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллик юбилейига бағишланган ўнлаб мақолалар чоп этилди. Шунингдек шоирнинг кўпчиликка таниш бўлган "Сен етим эмассан", "Мен яҳудийман", "Боғ", "Ақл ва Қалам" каби бир қатор шеърлари турли газеталарда эълон қилинди. Юбилей тантаналари олдидан мазкур санага бағишланган матбуот конференцияси ташкил қилинди. Унда Ўзбекистондан ташриф буюрган меҳмонлардан ташқари, Ўзбекистоннинг Бирлашган миллатлар ташкилотидаги вакили Алишер Воҳидов, юртимизнинг Нью-Йоркдаги Бош консуллик вакиллари ва мазкур тадбир ташкилотчилари қатнашиб, шоир мухлислари саволларига жавоб қайтаришди. Айниқса, шоирнинг қизи Олмосхон Аҳмедованинг чиқиши кўпчиликда жуда катта қизиқиш уйғотди. Олмосхон опадан йиғилганларнинг кўпчилиги ўзбек тилида гапиришларини илтимос қилишди. Опа ўз сўзининг бошида Ўзбекистондан, уларнинг киндик қони тўкилган Она заминдан, кўпчилигининг ота-оналари хоклари қўйилган гўзал макондан, Ғафур Ғулом хонадонидан тадбир қатнашчиларига катта салом олиб келганини айтганда, залда ўтирганларнинг кўзлари намланди. Олмосхон Аҳмедова ва Хондамир Ғуломовлар йиғилганларга Ўзбекистондаги бугунги жараёнлар, миллий адабиётимизнинг ривожланиши, миллий, қадриятларнинг тикланиши хусусида батафсил гапириб беришди. Савол-жавоблардан сўнг юбилей тадбирларининг асосий қисми бошланиб кетди. Айниқса, Тошкентдан олиб борилган Ғафур Ғуломнинг асарлар кўргазмаси кўпчиликнинг эътиборини жалб қилди. Залда ўрнатилган катта монитор орқали яқинда пойтахтимизда ўтказилган Ғафур Ғуломнинг 100 йиллик тантаналари, янги ҳайкалининг очилиш маросими ва Президент Ислом Каримовнинг нутқи батафсил намойиш этилди.

Қуйида Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Нью-Йоркда ўтказилган тантаналарда сўзга чиққан, газетхонларимизга яхши таниш бўлган айрим қатнашчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

ҒАФУР ҒУЛОМНИ АМЕРИКАДА ҲАМ ЙЎҚЛАШДИ

Илёс МАЛЛАЕВ:

— Ғафур Ғулом номини илк бор биринчи синфлигимда эшитганман. Ўшанда мен билганларнинг деярли ҳаммаси унинг "Мен яҳудийман" поэмасини ёдлашга ҳаракат қилардилар. Машҳур адибнинг ўзини кўриш шарафига эса 1951 йили китобхонлар учрашувида муяссар бўлгандим. 1963 йилдан бошлаб рафиқам Муҳаббат Шамаева билан Ғафур Ғулом иштирок этган тадбирларда бирга бўлганимиздан фахрланаман. У кишининг уйларида тез-тез бўлиб турардик. Домла нафақат шоир ва адабиётшунос, балки мусиқанинг ҳам катта билимдони эди. У киши ҳар бир чиқишимизни диққат билан кузатиб борардилар. Оилам билан у кишининг Тошкент ва Москвада бўлиб ўтган 60 йиллик тўйларида ҳам қатнашганимизни ҳалигача эслаб турамиз. Биз ўшанда: "Домла, сизнинг 100 йиллик тўйингизни бундан-да зўр ўтказамиз", деб ният қилган эдик. Шукрлар бўлсинки, мана, ниятимизга етиб турибмиз. У киши мен учун ҳам устоз, ҳам отадай қадрли инсон эдилар. Менинг оила қуришимда ва Муҳабатхонга уйланишимда шу инсоннинг роли катта бўлган, бизнинг тўйимизга у киши бош-қош бўлганлар. Лекин, афсус, тўйимиз ўтгач, бир неча ойдан сўнг у кишини йўқотдик... Жойлари жаннатда бўлсин, охирати обод бўлсин.

Муҳаббат ШАМАЕВА:

— Шу кунларда табаррук инсон, кўпчилигимизнинг устозимиз Ғафур Ғуломнинг 100 йиллик тўйларида қатнашиш насиб қилганидан бошим осмонга етди. Менинг меҳнатим халқ назарига тушишида шу инсоннинг ҳиссаси жуда катта бўлган. Ғафур Ғулом инсонларда кам учрайдиган нафис дидга эга, мусиқа, поэзия, драматургия, шеърият, адабиёт ва маданиятни чуқур тушунадиган баркамол инсон эдилар. Домланинг Афғон қизига бағишлаб "Моҳигул" шеърларига битилган мусиқа кўпчиликка манзур бўлиб, ўз даврида ўзбек ёшларининг энг ёқимли ашулаларидан бирига айланганини Илёс акамлар билан тез-тез эслашамиз. Ғафур Ғулом билан бўлган яна бир қизиқ воқеани гапириб бермоқчиман. 1963 йили Арманистонда Ўзбекистон Декадаси ўтказилган эди. Тадбир сўнгида, Двин шаҳрида, ям-яшил майсазорда катта дастурхон ёзилган эди. Меҳмондорчилик авжига чиққанда фойтун-аравада ўтириб олганча

биз томонга Алишер Навоий кийимида таниқли санъаткор А. Папазян кела бошлади. Шунда Ғафур ака ўринларидан туриб, қўлини кўксига қўйиб, экспромт билан "буюк аллома"га сўз отдилар: "О, Ўзбек поэзиясининг отаси! Сизни мана шу меҳмондўст Арманистон ерида учратишни жуда орзу қилган эдим!" Унга жавобан Папазян-Навоий: "500 йилдан сўнг бу дунёга Ғафур Ғулом деган шоир келиб, менинг ишларимни давом эттиришини билар эдим", — деб жавоб қайтарди. Шундан сўнг фойтун орқасидан эргашиб юрган арман мусиқачилари "Андижон полка"сини ижро этишиб, ҳаммани уйинга чорлашган эди. Айтмоқчиманки, Ғафур Ғулом жуда зукко ва ҳамма билан тез тил топиша оладиган хушчақчақ инсон эдилар.

Абрам ИЛЯЕВ:

— Мен Ғафур ака билан биринчи марта Қўқонда учрашганман. У пайтлар ҳали ёш, меҳнат фаолиятимни энди бошлаётган эдим. У кишининг олдиларида бир неча кун бўлиб кўп қизиқарли суҳбатларини эшитганман. Ғафур Ғулом академик ва катта билимдон киши бўлишига қарамасдан ҳар доим билимга интилувчанлик ҳислатлари бор эди. У киши Найманчи қишлоғида Қўқон хони Худоёрхоннинг 102 ёшга кирган аёли борлигини билар экан, мени шу онахоннинг олдига олиб борасизлар, деб қўймадилар. Айнан ана шу учрашувлар пайтида мен ўзим учун Ғафур Ғуломни кашф этдим. Унинг инсонпарварлиги, бошқа миллат вакилларига ўз қариндошидай муносабатининг гувоҳи бўлдим. Биринчи бор шоирнинг "Мен яҳудийман" шеърини ўзларидан эшитганимда мени титроқ босди, жуда ҳаяжонландим, кўзимда ёш қалқиди, ўтирганларнинг кўпчилиги ва ҳаттоки шоирнинг ўзи ҳам менинг ҳолатимда эканлигини пайқадим... Кейинчалик, Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси капитан Наум Бродецкий менга оловли уруш фронт чизиқларида Ғафур Ғуломнинг асарлари ва, айниқса, қатор шеърларини оддий солдатлардан тортиб, то генералларгача талашиб, қоғози йиртилиб кетгунга қадар севиб ўқишларини гапириб берган эдилар. Менимча, бундай шеърни фақат забардаст, юрагида чўғи бор, қаҳрамон, ўз халқини севувчи, инсонпарвар ва ҳақиқий дўст бўла оладиган инсон яратади.

Светлана ИСҲОҚОВА:

— Кўп йиллар давомида буюк инсон Ғафур Ғуломни тез-тез кўриб туриш, у кишининг гап-сўзларини эшитиш насиб қилганидан жуда хурсандман. Гап шундаки, биз академик Воҳид Зоҳидов билан қўшни эдик. Ғафур ака у кишининг яқин дўстларидан бири эди. Ёз кунларининг бирида мен шоир ўзининг "Сен етим эмассан" шеърини ўқиётганининг гувоҳи бўлган эдим. Биз ўша пайтлар ёш бола эдик. Воҳид ака бизларни олдиларига чақириб, "Мана шу лахзаларни бир умрга эслаб қолинглар: бу шеърни сизларга буюк шоир Ғафур Ғулом ўқиган!" деди. Дарҳақиқат, кўп йиллар ўтиб кетишига қарамасдан мен бу воқеани тез-тез эслаб тураман. Ўша пайтда эндигина 10 ёшга тўлган қизалоқ эдим, бундай буюк зотнинг шеърларидан баҳраманд бўлишни ҳали унчалик ҳам англамаган эдим. Ундан ташқари, менинг халқим тўғрисида шундай дил сўзларини изҳор қилиб, тарихий шеър ёзган инсон олдида турганимни ҳам сезмаган эканман.

Дадамлар Юнус Исроилович Исҳоқовнинг бир гаплари ҳамон эсимда: Усмон Юсупов, Ғафур Ғулом, Тамарахоним, Ҳалима Носирова биргаликда катта Фарғона канали қурилишида фаол иштирок этиб, эл қатори қурувчиларга ёрдам беришган экан. Эрталаб кетмон кўтариб халқ билан бирга ишлаб, кечқурун уларга шеърлар, қизиқ ҳикоялар ва ашула, ўйин-кулгилар ташкил қилиб, руҳларини кўтариб турган эканлар. Камтарлиги, самимийлиги инсонга бўлган муҳаббати учун халқ уларни жуда эъзозлаган. Менинг айтганларим Ғафур Ғуломнинг характерли кўринишидан бир қисмигина, холос. Мен Ғафур аканинг ўғиллари ва қизларини танийман, у кишининг қариндошлари ва жиянлари билан ҳам кўп суҳбатда бўлганман. Бир сўз билан айтганда, мен Ғафур Ғуломнинг сиймосини унинг зурриётлари юзларида, у кишининг билимдонлиги, одамийлиги ва камтаринлигига улар билан бўлган суҳбатда гувоҳ бўлиб, худди ўзи бўлган буюк Ғафур Ғуломни кўргандай бўлдим.

Халқаро Интернет тармоғи воситасида
Мавлон ШУКУРЗОДА суҳбатлашди

Хабар

ТУРКИЯГА ВИЗА БИЛАН

1 июндан бошлаб Туркияга бормоқчи бўлган Ўзбекистон фуқаролари учун виза режими жорий қилинди. Энди ватандошларимиз Онадўлуга сафар қилишдан олдин Тошкентдаги Туркия элчихонасининг консуллик бўлимига 60 доллар тўлаб, виза олишлари керак бўлади.

БАХТИЁР

Таклиф

ЭКСПОРТ — ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ҳозирги замон дунё ҳамжамияти шундай бир тараққиёт босқичига кўтарилдики, ҳар қандай давлат умумий ёки минтақавий жараёнлардан ажралган ҳолда юксалишини кўзлаш ҳеч бир мантиққа сиғмай қолмоқда. Бу мулоҳаза иқтисодий соҳада барқарор ривожланишга ҳам бевосита дахлдордир.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида юзага келган ёш мустақил давлатларнинг ўтган тарихан қисқа муддатларда оёққа туриб олиши ва ўз йўлида собитлик билан давом этиши ҳам кўп жиҳатдан иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик доирасининг кенглигига боғлиқдир. Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик асосан экспорт ва импорт йўли билан амалга оширилиши барчага аён. Мамлакатимизда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар дунёда иқтисоднинг глобаллашуви ва ягона дунё иқтисод маконини яратиш жараёнлари кечаётганини эътиборда тутган ҳолда амалга оширилмоқда.

Шуни ҳам айтиш лозимки, экспортга йўналтирилган стратегияни шакллантириш учун жиддий тайёргарлик кўриш зарур. Мамлакат ички ресурсларини экспортга йўналтириш бир-бирига боғлиқ бўлган қатор тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Мисол учун мазкур тизимни муваффақиятли изга солиш учун инвестиция талаб қилинади, бироқ тадбиркорлар, жумладан, кичик ва ўрта бизнес ҳамда иқтисодий кўрсаткичлар зарур йўналишда силжимагунича исталган секторга маблағ ётқизиш амри маҳол.

Бугунги кунда экспортни ривожлантириш, бу — макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган давлатнинг умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир. Экспорт қилинаётган товарларнинг энг катта улуши "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзкимёсаноат" уюшмалари маҳсулотига тўғри келишини, бу ички ва дунё бозори талаблари билан белгиланганини назарда тутиб, келажакда ҳам шу соҳаларга чет эл инвестицияларини жалб этишни давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг ҳажмини ошириш, таркибини такомиллаштириш, жуғрофиясини кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Мустақиллик йилларида экспорт соҳаси, унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ривожланди, яъни унинг ҳажмини бирмунча кенгайтиришга эришилди. Шунингдек, юқорида таъкидланганидек, мазкур соҳадаги муаммоларни бартараф этишнинг мураккаблиги бу соҳа ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни тартибга солишда, шубҳасиз, давлатнинг роли катта бўлмоғи шарт, зеро, иқтисодиётни эркинлаштириш, жадаллаштириш ва экспортни тартибга солувчи, рағбатлантирувчи ягона давлат тизимини ҳамда аниқ чора-тадбирлар механизмини барпо этишни кечиктириб бўлмайди. Чунончи, енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилишнинг янги шаклларидан бири аҳолининг асрлар давомида тўплаган бой тажрибаси борлигини ҳисобга олиб, кийим ва пойафзал тикиш корхоналари ташкил қилиш мумкин. Экспорт салоҳиятини ривожлантиришга хизмат кўрсатиш соҳаси, аввало, Тошкент аэропорти базасида халқаро юк ташиш маркази ташкил этилса, нур устига нур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакат экспорти асосан айрим турдаги товарлар ёки хом ашёга боғлиқлиги уларга бўлган жаҳон бозори коньюктурасининг кескин қисқаришига олиб келади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, бир томондан, экспорт номенклатурасини кенгайтириш ва умумий экспортда ҳар бир турдаги хом ашё маҳсулоти улушини қисқартиришга эришиш муҳим бўлса, бошқа томондан, халқаро хом ашё маҳсулоти экспортидаги Ўзбекистон ҳиссаси салмоқли эканидан фойдаланиб, экспортимизнинг асосини ташкил этувчи хом ашё жаҳон бозорлари коньюктурасига таъсир эта олишни, уни бошқаришни ўрганиш ва шунга эришиш керак.

Хайриддин АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети магистранти

Ёд

Шоирлар — Худонинг қаролларидир.
Н. ГУМЕЛЕВ

1. Мен Тоғай Муродни юздан ошиб кетса керак, деб юрардим, чунки у сигарет чекмас, деярли ҳар куни бадантарбия машқлари билан шуғулланар, ҳар қандай шароитда югуришни канда қилмас, бунинг устига бошлиғидан дакки эшитавериб, сочи оқариб кетадиган вазифаларда ҳам ишламас, Худо берган ризққа қаноат қилиб, яъни бизга ўхшаб, иморат соламан, машина оламан, элга тўй бераман, деб ўзини ўтга-чўққа урмас, ўтириб... ижод қилар эди. Тўғри, "Ижод қилдим" деганга ўхшаган иборалар менинг ғазабимни қўзғайди, лекин ҳамма шундан ёзгандан сўнг менинг қўлимдан нима келар эди.

Бу масалада Марк Твен боплаган — "Ёзувчи бўлиш учун нима қилиш керак?" деган хонимга: "Қоғоз, қалам топасиз-да, каллангизга келган фикрни чапдан ўнгга қаратиб ёзиб кетаверасиз". Қоғоз билан қаламни топиш мушкул эмас, лекин каллага фикрнинг келиши, фикр эгасининг ихтиёрида эмас — бунга иқрор бўлмоқ учун ҳеч бўлмаганда Фаридиддин Аттор ҳазратлари ва Алишер Навоий ҳазратлари баён қилган Шайх Санъон қиссасини йигирма, ўттиз, балки юз марта, то ёд бўлиб қолгунча ўқишнинг ўзи кифоя қилади. Шунинг учун "Ижод қилдим", "Яратдим" деган инсонларнинг бу лофига ҳеч ҳам ишонманг.

2. Тоғай Мурод Европа, айниқса, Рус адабиётининг ашаддий мухлиси ва катта билимдони эди. Маълумки, улар бадиий адабиётни восита эмас, балки мақсад деб биладилар ва шунинг учун ҳам Пушкиндай даҳо Пугачёв ҳақида роман ёзиш учун бу исёнчи ҳақида эринмасдан маълумотлар тўплайди. Тоғай Мурод ҳам худди Пушкинга ўхшаб "Юлдузлар мангу ёнади" деган дастлабки қиссасини ёзишдан аввал ўзи туғилиб ўсган Хўжасоатга бориб, Полвонларнинг жонига тегиб кураш, унинг минг бир усуллари ҳақида шу даражада кўп тафсилотлар тўплаган эдики, бу ҳақда сўрайвериб ҳаммани безор қилганди.

"От кишнаган оқшом", ҳатто "Отамдан қолган далалар" ҳам шу тахлитда ёзилган — ҳалиям Олтинсойда баъзи одамлар унинг ҳафталаб далада сувчиларнинг орасида яшаганини айтиб юришади. У ҳатто ҳаётга ҳам Ғарб адабиёти орқали қарар, бу эса замондошларини кўп ҳолларда ҳайрон қолдирар эди. Унинг турмуш тарзи ва ўлчов бирликларига шу нуқтаи назардан қаралса, ҳамма муаммолар ойдинлашиб, жой-жойига тушади.

Масалан, менга ўхшаб Тоғай Мурод ҳам Гоголни яхши билар ва яхши кўрар эди. Маълумки, бу улуғ ёзувчи ўз туққан онасини ёмон кўрган, бир кун бирга туришга тоқат қилолмаган, мен жудаям узоқдаман, шунинг учун зиёратингизга боролмаяпман, деб онасига ёлғон хатлар ёзган. Тўғри, бундай манзарага мусулмончилик, умуман, Шарқ ўлчовлари билан қаралса, Гоголдай ёзувчини одам сонига қўшиб бўлмайди, лекин Ғарб учун бу — табиий ҳол: ўғил вояга етгандан сўнг онани ҳурмат қилиши, демакки, унинг хизматида бўлиши шарт эмас. Масалан, Тоғай Мурод ёлғиз ўғил бўлишига қарамасдан туққан онасининг жанозасига ҳам, таъзиясига ҳам келолмади — ҳар ким ҳар нарса деди. Аммо Тоғай Мурод бу гапларнинг бировига ҳам эътибор қилган эмас.

Альберт Камьюнинг "Бегона"си эсингиздами — қаҳрамон онасининг тобути ёнида бемалол сигарет чекади: биз эса "Камью, Камью" деймиз. Шунинг учун Ғарбда қартайиб қолган ота-онани қариялар уйига топшириб юбориш мутлақо айб саналмайди — чунки улар тараққий этган мамлакатларнинг фуқароларидир: демократия она-бола муносабатларини ҳам мувофиқлаштириб туради-да.

3. Мен ўрта мактабнинг еттинчи, саккизинчи синфидаёқ мухбирлик касалига йўлиқиб улгурган, бизга ўхшаганлар учун "Ғалаба учун" деган туман газетаси катта минбарга айланган, қўлга тушган тафсилотни ёзаверар эдик: Тоғай Муродни ана шу газета орқали билганман. Ўшанда ҳам Тоғай ака саккиз қаторли хабарларни писанд қилмасдан ҳикоялар эълон қилар эди.

Биз олтмиш тўққизинчи йилнинг ёзида учрашдик. Мен катта ёзувчи бўлишни кўнгилга тугиб, Тошкентга бордим ва таянч сифатида Талабалар шаҳарчасининг журналистлар истиқомат қиладиган ётоқхонасидан не умидлар билан Тоғай Муродни изладим — шундай одам бор ва мана бу хонада яшайди дейишди: бориб-бориб ҳамхонасидан сўраган эканман — бўлажак... сарсон эканлигимни билиб, кирган жойдаги хонага таклиф этди — 17. Тилининг учигача жун босиб кетган ва шунинг учун бизга нисбатан ёши жудаям катта кўринадиган бу одамнинг Худойберди Эшонқулов эканлигини орадан ўн йиллар ўтиб билдим — биз Худойберди ака билан Сурхондарё вилояти "Ленин байроғи" газетасида бирга ишладик. Аммо Худойберди ака Тоғай Муродни ўшанда дараклаб борган қишлоқи йигитнинг мен эканлигимни хаёлига ҳам келтирмасдан кўп ўтмай ўлиб кетди. Чунки ўшанда Худойберди ака: "Ана шу ерда ўтирсангиз, Тоғай келади", деб қаёққадир йўқолиб кетган, жудаям кўримсиз ва жайдари бўлганим учун ҳатто мени эслаб ҳам қолмаган.

Худойберди ака айтганидай ўша куни Тоғай Мурод келди — газетада суратини кўрганим учун дарров танидим. "Мана бу кроват меники, энди сизники бўлади. Биз "Военка"-га кетяпмиз", деди.

4. Тошкентнинг менга кўзи учиб тургани йўқ экан, иншодан йиқилиб, кечалаб Деновга қайтдим. Кейинги йил ҳам "Журфак"ка ҳужжат топширишнинг иложи бўлмади. Ижодий суҳбат мендан келажакда мухбир чиқмаслигини кўрсатди ва мен пешонамга бир муштлаб, "Филфак"ка кириб кетдим. Бизни бўлажак журналистларга аралаштиришмади — жойни 85-ётоқхонадан беришди. Бу орада Тоғай Муродни кўриш у ёқда турсин, ҳатто дарагини ҳам эшитмадим. Кейин билсам, Тоғай Мурод кроватини бериб кетгандан сўнг ҳарбийдан имтиҳон топширмоқ учун Туркманистоннинг ё Элотан ё бошқа шаҳрига кетган, ўшаёқда онасини сўканлиги учун Абдураззоқ деган ҳамсабоғининг оғзини йиртмоқ бўлиб икки қўлини унинг оғзига тиққан, у ҳам анойи эмас экан шекилли, жон аччиғида Тоғай Муроднинг бир бармоғини тиши билан чўрта узиб олган. Бу гап катта жанжалга айланиб, иккови ҳам Университетдан ҳайдалган. Хўжасоатлик Жанжалбобо деган жудаям ҳурматли бир оқсоқол Тошкентдаги қадимги қадрдони, тўғрироғи, Абдулла Қаҳҳорга ёзув машинкаси берган савдо вазирини ишга солиб икки йил деганда Тоғай Муродни тўхтаб қолган жойидан талабаликка тиклаган.

Ўзингиз биласиз, бундай аҳволдаги талабага стипендия ҳам, ётоқхона ҳам берилмайди. Худди шу пайтда Тоғай Муродни учратдим, ҳамма гапнинг тагига етгач, 85-ётоқхонадаги кроватимни таклиф қилдим, ўзим ерга жой солдим, бу ҳол бир йилми, икки йил — Тоғай Мурод университетни битиргунча давом этди. Давомати ва ўзлаштириши суст бўлганидан кейинги йиллари ҳам у стипендия ололмади — менинг ўттиз беш сўмлик стипендиямга қаноат қилиб юрдик.

5. Орадан кўп йиллар ўтиб, қандайдир муносабат билан бу тафсилотларни Олимжон Усановга айтиб берган эдим, у: "Тоғайни стипендиядан мен қолдирган эдим, чунки мен курснинг старостаси эдим-да!" деди.

— Бекор қилган экансиз. Нега ундай қилгансиз?

— Бизни писанд қилмас эди.

...

— Мен унинг бундай катта ёзувчи бўлиб кетишини қаёқдан билибман.

Бўлмаса, старостанинг олдида бир стипендиялар нима деган гап!

6. Ўшандаям мен топган пулимга китоб олар эдим. Тоғай Мурод билан бир хонада истиқомат қилсак-да, унинг ёзаётганини ҳам, китоб ўқиётганининг ҳам устида бўлмаганман.

Мен жуда интизомли талаба эдим — бир тийинга қиммат машғулотларга ҳам итдай қатнаганман, бунинг устига кутубхоналарда ўтиришни, китоб магазинларида сандирақлаб юришни, Бешёғочдаги ҳозир бузилиб кетган Алишер Навоий номли кинотеатрда Раж Капурнинг фильмларини томоша қилишни яхши кўрардим. Тоғай Мурод эса ҳафталаб хонадан чиқмас — ёзар ва ўқир эди шекилли. Олимжон айтгандай, дарсларга ҳам деярли қатнамасди.

7. Ўша 85-ётоқхонанинг ўз адабий муҳити бор эди. Мурод Муҳаммад Дўст, Йўлдош Эшбек, Азим Суюн, Усмон Кўчқор, Шукур Қурбон — орадан йиллар ўтиб уларнинг ҳар қайсиси адабиётимизнинг катта намояндаларига айландилар.

Биз дарсдан қайтаверар, Мурод Муҳаммад Дўст билан Йўлдош Эшбек уйқудан туриб, ётоқхонадан чиқиб кетаверар эди — иккови узоқдан худди эгизакларга ўхшар эди. Ўша йиллари ҳам Мурод ака тонг отгунча қаттиқ ишлар, Йўлдош эса ётоқхонанинг бўлажак доҳийларига саҳаргача шеър ўқир, томоғини йиртгудай бўлиб баҳслашар эди.

Энди ўйлаб қарасам, муштдайгина ётоқхонада ҳам бир нечта адабий гуруҳ бўлиб, улар бир-биридан ҳуркиброқ, ҳайиқиброқ турар экан. Шу маънода Тоғай Мурод билан икковимиз битта адабий гуруҳ эканмиз. Тоғай Мурод адабий давраларнинг бировига ҳам қўшилмас, менинг эса тумшуғимни тиқмаган давранинг ўзи йўқ, шунинг учун у ерларда бўлаётган ҳамма гапни — кимнинг нима ёзганини, кимнинг қайси асар ёки муаллиф ҳақида нима деганини эринмасдан Тоғай Муродга айтиб берар эдим.

8. Биз тонггача баҳслашиб юрганимиз билан Мурод Муҳаммад Дўст ўшанда ҳам жуда қаттиқ ишлар — Паустовскийнинг ўта ноёб прозасини таржима қилар ва пешма-пеш менга ўқиб берар, худди мен бир нарсани биладигандай мана бу ифодани мана бу иборалар билан баён қилдим, аммо аслидагидай кайфият бермаяпти, яна қандай ёзиш мумкин деб менга маслаҳат солар эди. Мурод ака китобни ҳам жуда тез ўқирди — эрталаб олдига кирсам, кўзлари орқасига уйрилиб кетган, ҳа, десам, столда ётган ка-а-тта китобни кўрсатди: "Кечаси билан ўқиб тугатдим". Китоб Драйзернинг "Гений" деган романи эди.

Ўша йиллари Мурод ака Бетховенга ошиқ бўлиб қолди — аллақандай унинг пластинкаларини топиб, эшитаверарди, эшитаверарди... Бу гапларга ҳам ўттиз йиллар бўлди, аммо Мурод аканинг "Учинчи симфония" деган ҳикояси ҳалиям қулоғимнинг остида жаранглаб, ҳа, жаранглаб туради — асар шу даражада мусиқий эди.

Тоғай МУРОД

Биласизми, Мурод ака қўлёзмаларини ўқиш учун менга берар, аммо фикримни сўрамас эди. Бир марта муқоваланган қўлёзма берди — қисса экан, хонамга олиб чиқиб ўқидим, сўнг Тоғай Муродга бердим: бир неча саҳифасини кўрди-да, "Бўлмайди", деди. Ҳақиқатан ҳам Тоғай Мурод тўғри айтган экан — Мурод Муҳаммад Дўст ўша қиссани ҳеч жойда эълон қилмади.

9. То "Юлдузлар мангу ёнади" босилгунча Тоғай Муроднинг жиддий, ҳаттоки катта ёзувчи эканлигини ҳеч ким билмас эди. Саксон бешинчи ётоқхонада ҳам унинг машинкаланган ҳикояларини мендан бошқа ҳеч ким ўқиган эмас.

Баъзан Шукур Холмирзаев билан ўтириб келяпман, дер эди. Ўша йиллари Шукур Холмирзаев, айниқса, ёшлар ўртасида машҳур, қандайдир журналда биронта ҳикояси чиқса жайдари давраларда ундоқ экан, бундоқ экан деб роса муҳокама қилар, қаранг-а, қандай... зўр ёзади, деб ҳайратга тушар эдик.

Табиийки, шундай пайтларда Тоғай Муроддан Шукур Холмирзаев нималар деганини эзмаланиб сўрайверар эдим. Тоғай Муроднинг менга тушунтиришича, Шукур Холмирзаев унинг ёзувчилигидан мутлақо бехабар, шунинг учун "Полвон" дер экан. Агар, Шукур Холмирзаев менинг ёзувчилигимни билса, ўша куни еб ташлайди, у шундай одам, дер эди Тоғай Мурод. Чунки Шукур Холмирзаев битта бўлиши керак, у шуни истар экан.

Ҳайбати босибми, кўп йиллар мен Шукур Холмирзаевга рўпара келолмай юрдим — биродар бўлиб қолганимизда ҳам устоздан Тоғай Мурод ҳақида бирон оғиз гап сўрамаганман: сабабини ҳозир ҳам маънилироқ қилиб тушунтириб беролмайман. Аслида, бу икки ёзувчи кўп ўлчовлар бўйича бир-биридан кўп ҳам узоқ эмас.

Мен ҳатто Тоғай Муродни Шукур Холмирзаевнинг такомилга етган кўриниши деган бўлар эдим ва мулоҳазани тасдиқлайдиган юзлаб тафсилотлар айтишим мумкинки, охир-оқибат уларнинг ҳар иккиси бир олманинг икки палласи эканлигига Сизда ҳам шубҳа қолмас эди. Тоғай Муроднинг Тоғай Мурод бўлиб тилга тушганидан кейин ҳам Шукур Холмирзаев билан яқинлашмаганлиги, биродарлик, борди-келди қилмаганлиги жуда кўп ўлчовлар бўйича уларнинг бир-бирига ўхшашлиги, яқинлиги билан изоҳланмоғи керак.

10. Тоғай Мурод ҳеч кимга билдирмасдан Ўзбек адабиётида, умуман бадиий адабиётда ўз салтанатини тикди. Унинг ифода усули шу пайтгача ҳеч бир муаллифда учрамаган, кузатилмаган эди. Уни... такрорлашнинг ҳам иложи бўлмаяпти. Баъзан, бизга иккинчи Рауф Парфи керак эмас, деган қанотли ибора муомалага кириб қолади — ёшларнинг кўплари Рауф Парфига ўхшатиб ёзишдан ҳатто фахрланадилар ва бинойидай бу юмушнинг уддасидан чиқмоқдалар. Лекин ҳеч ким Пушкинга ё Алишер Навоий ҳазратларига ўхшатиб ёзишга ҳатто урин[illegible] ҳам кўрмайди — бу[illegible]нг иложи йўқлигини [illegible]ларнинг ўзлари ҳам [illegible]илишади. Тоғай Муро[illegible]нинг қисса-романлари ҳам худди шундай.

Шу муносабат билан битта тафсилот айтгим келади: нимасини яширамиз: адабиётнинг катта билимдониман дейдиганлар ҳам Тоғай Муроднинг романларини қабул қилолмади. Бир суҳбатда Йўлдош Эшбекка шу гапни айтдим.

— Ҳамма Тоғайнинг романларини проза деб ўйлайди — деди Йўлдош, қўлларини ҳаволатиб. — Йўқ, Тоғай Муроднинг романлари поэзия. Поэзия эса тушунилмайди, англанади.

11. Буни Тоғай Муроднинг ўзи билармиди? Билганда-чи!

12. Тоғай Муроднинг энг катта хизмати — халқимизнинг кимлигини эсига солгани бўлди. Шу пайтга қадар бу ишга жуда кўпчилик қўл урган, лекин уларнинг бирови ҳам Тоғай Муродчалик бу вазифанинг уддасидан чиқа олмаган эди.

"А" деган одам "Б"ни ҳам айтишга мажбур бўлгани сингари сиртдан қараганда Тоғай Мурод бир неча ҳамла билан амалга оширган ишни юз йиллар давомида нега бошқалар уддалай олмаганлигини ишонарли қилиб далиллаш керак бўлади.

Бадиий адабиёт шундай оламки, бир муаллифга эҳтиром кўрсатилса, бошқаларнинг мартабасига соя тушмайди. Бу ўринда Тоғай Муроднинг миллат ва халқ олдидаги жудаям катта хизматларини таъкидлар эканмиз, бу ҳаракатимиз билан катта йўлга отланиб, қайсидир дарахтнинг соясида қолиб кетган адибларимизнинг уқувсизлигини таъна қилмоқчи эмасмиз. Зотан, ҳазрат Навоий айтганларидек, улуғ мақсадлар йўлида жафолар чекмоқнинг ўзи ҳам бир саодатдир.

Хожа Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари "Мақсад сари шу даражада шитоб ва шиддат билан интилгилки, лозим бўлса, менинг гарданимга оёғингни қўйиб, муродга етгил!" дейдилар шогирдларига. Аммо кўп ёзувчиларимиз таъма умидида замон майлларига мойил бўлдилар, Чўлпон иборалари билан айтганда, бу дунё (роҳати) деб у дунёни баҳосиз пулга сотдилар ва бунинг учун уларни мутлақо айблаб ё камситиб бўлмайди: Инсон [illegible]ахлсизлик мартабасига эриша олмас экан, сўқир бўлиб қолаверади — кўзи йилтираб турғани билан оқ-қоранинг, ҳалол-ҳаромнинг, яхши-ёмоннинг фарқига бормайди. Ҳатто Абдулла Қаҳҳордай улуғ ёзувчи ҳам "Мен озиб-тўзиб ўлишни истамайман!" деган эди — [illegible] рак!?

Ёзувчи бир марта [illegible]продасига қарши бориб, ёлғон ёзса, кейин ҳам бунга ўрганиб қолади. Бу — худди эрига хиёнат қилган хотиннинг қилмишига ўхшайди: аввал уялади, ҳатто хижолат бўлади, кейин эса ўрганиб, хиёнатни қўмсаб-соғиниб қолади. Тоғай Мурод бутун адабий фаолияти давомида ўзининг эзгу тамойилларига бирон марта хиёнат қилмайди. Ваҳоланки, унга ҳам буюртмалар кўп, мен замоннинг қаҳрамониман, деб оламга жар солиб юрган... ноинсофлар ҳақида қарсиллатиб бир китоб ёзиш Тоғай Мурод учун бир пиёла сув [illegible]гандай гап эди. Агар шундай қилганида [illegible]кентнинг ташқарисида уч қаватли [illegible] лиси ҳам, шаҳарнинг ўзида [illegible]матли уйи мармари билан қоп[illegible] алланима бало-ҳам, "Нексия"лар[illegible], аммо "Тоғай Мурод"лари бўлар[illegible] бўлмас эди.

Улуғ [illegible]айтади: "Мен дарёнинг бўйига қирқ [illegible] бориб, чанқоғимни қаноатлантирмасдан қайтиб кела оламан!" Тоғай Муроднинг дунё манфаатларидан юз ўгириб, ўзи ўйлагандай романлар ёзиши, ҳалиги Устознинг дарё бўйига бориб, нафсини таҳқирлаганига ўхшайди. Менга ишонинг — таъма умидида қўлига қалам олган одам ҳеч қачон ҳақиқатни — гапнинг тўғрисини ёзолмайди. Тоғай Муроддан ўн баравар, балки юз баравар истеъдодли ёзувчиларни йўлдан оздирган, демакки, хароб қилган иблиснинг оти — таъмадир.

13. Балзак: "Биз шундай асарлар ёзайликки, вақти келиб Фран[illegible]лар [illegible] ер юзидан йўқ бўлиб кетган[illegible]нда ҳам, китобларимиз "Бу е[illegible]рда Франция бўлган эди!" деб турсин!" дейди — Тоғай Муроднинг қиссалари, романлари ана шундай ваколатга эга! Ҳатто уларнинг ҳаммасини битта муқовага жамлаб бемалол чоп этиш мумкин. Халқ кўнглининг тубига ҳатто Лев Толстой ҳам бунчалик чуқур кириб боролмаган, шунинг учун бу улуғ ёзувчи Тургеневни хушламас эди. Яқинда бир муҳтарам зот (телевизордан) Тургенев ҳақида беписандлик билан гапирди. Ваҳоланки, Ғарб адабиётида, умуман, бадиий адабиётда ўзи мансуб бўлган миллатнинг руҳидаги бетимсол гўзаллик ва қудратни ҳеч ким Тургеневчалик ёруғ бўёқлар билан тасвирлаб беролмаган.

Ёки бўлмаса: Горький Гоголни ёқтирмаган! Чунки Гоголь бор ҳақиқатни бутун тафсилотлари билан рўй-рост ёзишга ўзида қудрат топа олди. Ҳатто у нажот йўлини ҳам айтди, аммо Белинский бу сўнгги асарни ер билан яксон қилди — ўзимиз ҳам олтмишинчи йиллари Гоголнинг ўша ажойиб асарини ўқимасдан, уни қоралаб имтиҳон топширганмиз: "Нажот — диндадир!" деган умуминсоний ғояси бу ажойиб ёзувчининг бошига ёнғоқ бўлиб чақилди.

14. Ўзининг иборалари билан айтганда, Тоғай Мурод ўзбек халқига ҳайкал қўйди — бизнинг бу ҳақиқатга иқрор бўлмоғимиз учун ҳали кўп йиллар керак бўлади. Чунки одам боласи ўзи англамаган ҳақиқатларни қабул қилишга қодир эмас.

15. Ўзбек адабиётининг жудаям катта билимдони, тадқиқотчиси ҳисобланадиган, ёши олтмишдан ўтгандан сўнг, ҳатто бадиий асарлар ёзишга жазм қилган академик Матёқуб Қўшжонов телевизордан, ўзининг айтишига қараганда, боши оғришидан беш минут илгари фикрлашни, ёзишни тўхтатар экан — қаранг, одамлар қанчалар ўзини... аяйди, бошим оғриб қолмасин, деб қоғоз-қаламни четга суриб қўяр экан. Нима, шу-унча муҳташам асарлар ёзган Алишер Навоийнинг боши оғримаган дейсизми, ахир у гўдаклигида Хожа Фаридуддин Аттор ҳазратларини ёд олган эди. Адабиёт учун одамлар умрни гаровга қўядилар. Худди Комилжон Отаниёзовга ўхшаб, худди Шукур [illegible]хонга ўхшаб, Тоғай Муроднинг ҳам юраги ёрилиб ўлди — юрак [illegible] хурсандчиликдан ёрилмайди. Ёзувчилик — касб эмас, оммасиз жангга кириш ва музаффар бўлмоқдир: бу гапни мен эмас, Виктор Шикловский айтган.

Тоғай Мурод музаффар байроқ билан бу дунёдан кетди. Дунёда токи мен ўзбекман дейдиган битта одам бор экан, юлдузлар мангу ёнаверади, оқшомлари отлар кишнайверади, боболар билан момолар эса шивирлашиб ойдинда юраверадилар — Тоғай Мурод бино қилган қалъа то қиёматгача завол топмайди: дийдор қиёматга қолди, тупроғинг енгил бўлсин, биродар!

Тожиддин РАЗЗОҚ

Voice of America
Америка овози
www voanews. com/uzbek
- Дунё хабарлари
- Америка ҳаётидан лавҳалар
- Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар
- Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар
- АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари
- Вашингтон-Тошкент алоқалари
- Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар
- Терроризмга қарши кураш босқичлари
- Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар

Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида

Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.

«Америка овози»
радиосини қисқа тўлқин — УКВ
17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда;
20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19,
шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда
ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.

VOA

МУРОЖААТ УЧУН
VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA
Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368
uzbek@voanews.com

Иддао

ТЕЛЕСЕРИАЛЛАРГА БЕРИЛГАНДА

Ҳозирги пайтда телеканалларимизда: TV-1да ҳам, "Yoshlar"да ҳам ҳар хил чет эл телесериаллари кўпайиб кетмоқда. Бу телесериаллар меҳнаткаш ўзбек аёлларини дангаса, қизларини эса мода ишқибози қилиб қўймоқда. Доимо ишлаб чарчамайдиган оналаримиз, опа-сингилларимиз эндиликда уйда ўтириб, сериал кўришдан нарига ўтишмаяпти. Шу билан бирга, бу телесериаллар ёшларимизнинг тарбиясига ҳам таъсир қилмоқда ва уларнинг ахлоқсиз бўлиб, ўзбекчилик доирасидан чиқишларига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, бу телесериаллар халқимизни бепарволик касалига дучор қилиб, ўзига ипсиз шундай боғлаб олганки, ўз уйингда, қўшни хонангда қимматбаҳо нарсаларингни ўғирлаб кетса ҳам билмасдан, бамайлихотир кино кўриб ўтираверасан. Дазмол қизиб кетиб, кийимларинг ёниб кетиши, овқатнинг таги олиб, оилада жанжал бўлишига ҳам, укаларимизни, кичкина сингилларимизни машина уриб кетиши ва шу каби ҳалокатлар содир бўлишига ҳам сабабчи яна ўша телесериаллардир. Чунки сериал кўриб турган одамнинг хаёлида фақат "Кинонинг давоми қандай бўлар экан?" деган савол бўлади. Боласи эса "Эй, ўйнаб юргандир-да"... "Боланинг кўнгли далада, онанинг кўнгли кинода".

Бепарволик натижасида серқатнов йўлга чиқиб кетган бола бўлиб ўтган автоҳалокатдан сўнг ота-онасию бечора ҳайдовчини "ўйнатади". Битта телесериал эса ҳаммани "ўйнатади".

Абдусамад МЕҲМОНОВ
"Бунёдкор" ёшлар телеклуби аъзоси

Тафаккур

ҲИКМАТЛАР

Сенга мақтов ёғдирганлардан қоч. Уларнинг мақтови сенинг қалбингни ўлдиради.

* * *

Қаҳрли назаринг олов учқунини сочар экан, сен ҳақиқий инсон эмассан, шафқат нурлари билан оламга боқсанггина ҳақиқий инсон бўласан.

* * *

Иккиланишлар инсонни ортга судрайди, ғамгин этади, иймон инсонни олға бошлайди, қалбига қувонч бағишлайди.

* * *

Яхши фикр юритишга ҳаракат қил. Яхши фикрлай олмасанг, яхши фикрлайдиганни топ. Унинг фикридан фойдалан. Акс ҳолда фалокатдан ўзингни қутқаролмайсан.

* * *

Ўлимдан қўрққанлар — тақдирга аччиқ қилганлар, Аллоҳга етишишни ёқтирмаганлардир.

* * *

Эй инсон! Ризқинг учун ошиқча қайғурма, Аллоҳ сени яратишдан аввал ризқингни яратган. Лекин ризқ эшигини ҳаракат очади. Сен ёлғиз сабабларга мурожаат қил. Насибангга яраша ризқ келади. Шуни билгинки, сенга насиб бўлган ризқнинг охирги луқмасини емасдан ўлмассан.

* * *

Эй инсон Қалбингда заррача кибр бўлса, сен ҳали мусулмонликни тушунмабсан. Тоат-ибодатинг Аллоҳ ҳузурида мақбул бўлмайди.

* * *

Сенга баъзан адоват қилганларга сен шафқат ва марҳамат билан жавоб бер. Зеро, шафқат ва марҳамат, бутун ёмонликларга қарши турмоқ, инсонларга инсонийликни ҳис қилдирувчи бир шарбатдир.

Mustaqil gazeta HURRIYAT
Ўзингни англаб ет!

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРО[illegible] ДЎСТМУҲАММА[illegible] хор ИБ[illegible]али АКБАРОВ, Хуршид [illegible]ЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳхор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон КЎЧҚОР

Газета Ўзбе[illegible] [illegible]борот агентли[illegible] [illegible]тон Республикаси Давлат матбуот ва ах[illegible] [illegible]да 165-рақам билан рўйхатга олинган.
Бичими А-2.

Таҳририят [illegible]нзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел[illegible] [illegible]кс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06.

Якка обуна[illegible] Индекс: [illegible]ар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-ма[illegible] [illegible]баа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Ма[illegible]ил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳарр[illegible] Муҳиддин АБДУРАС[illegible]ОВ

® — тижорат белги[illegible]

Таҳририятга юборил[illegible] [illegible] мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 515
Адади: 3047

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.